

“Насаб” арабча сўз бўлиб, келиб чиқиш, насл-насаб, сулола, аждод маъноларини англатади. Ислом ахлининг кўпайиши, араб халкларининг ажам халклари билан кўшилиб кетиши насабларни ўрганиш хақидаги илмининг дунёга келишига замин яратди. Унинг асосчиси насаб илмининг имоми Хишом ибн Мухаммад ибн Соиб ал-Килабий (вафоти хижрий 204 (милодий 820) йил)дир.

Шу анъана давомчиси “Ал-Ансоб” муаллифи — тож ал-ислом Абу Саъд Абдулкарим ибн Мухаммад ибн Мансур ат-Тамимий ас-Самъоний ал-Марвазий ал-Хофиз хижрий 506 (милодий 1113) йилнинг шаъбон ойида Марвда дунёга келганлар. (Хижрий 562 (милодий 1167) йилда Марвда вафот этганлар). Тамим кабиласининг бир тармоги хисобланган самъонийлардан бўлганликлари учун бу зотга Ас-Самъоний нисбати берилган.

“Ал-Ансоб”, шубхасиз, комусий билимлар сохиби Ас-Самъоний ижодининг баркамол намунасидир. Бу нодир дурдона ўрта асрлар географик манзарасини тиклашга хисса кўшувчи улкан солнома ўларок ислом манфаатлари йўлида жонбозлик кўрсатган бир катор шайхлар, мухаддислар, муаррихлар ва адиблар хақида маълумот бериши билан илм-фан тарихида бекиёс ўрин тутди.

Мусулмон оламида VIII — XII асрларда машхур бўлган уламолар хақида мухтасар маълумот берувчи асарнинг Ўзбекистон худудида яшаб ўтган алломаларга оид маълумотларидан танланган таржимаси хижрий 1408 (милодий 1988) йилда Байрут (Ливан)нинг “Дор ал-жинон” матбаасида чоп этилган 5 жузлик нашри асосида амалга оширилди.

“Насабнома” (“Ал-Ансоб”) муаллифи берган маълумотлар аниклиги, ишончли манбаларга таянганлиги билан диққатни тортади. Жумладан, асарда жой номлари билан боглик атамалар масаласида бахсли фикрлар тугилишининг олди олиниб, уларнинг ёзув шаклига алоҳида эътибор берилган, бу сўзларнинг ўкилиши ҳам махсус транскрипцион тамойиллар асосида изоҳланган. Абдулғафур Раззок Бухорий ва Комилжон Рахимовлар гайрати билан араб тилидан ўзбек тилига таржима қилинган мазкур асар Абдуҳолик Гиждувоний таваллудининг 900 йиллиги муносабати билан 2003 йилда “Бухоро” нашриётида чоп этилди (Абдулкарим ас-Самъоний. Насабнома (Ал-Ансоб). Араб тилидан Хожи Абдулғафур Раззок Бухорий ва Комилжон Рахимовлар таржимаси. “Бухоро” нашриёти, 2003).

Кадрли муштарий! Маълумингизким, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 апрелдаги “Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Фармонида биноан, жорий йилда мамлакатимизнинг муаззам пойтахти Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги кенг микёсда тантана қилинади.

Эътиборингизга хавола этилаётган — Абдулкарим ас-Самъонийнинг “Ал-Ансоб” асаридан олинган ўз замонасида мусулмон Шарқи илм-фани ривожига бекиёс ўрин тутган шошлик алломалар хақидаги қимматли мулоҳазалар Сизнинг кўхна Шош тарихига оид тасаввурингизни бойитишига, маънавий оламингизга кўрк бўлиб кўшилишига ишонамиз!

* * *

Ал-Одамий — Абу Бакр Аҳмад ибн Мухаммад Одам ал-Одамий аш-Шоший (X аср) Шош ахлидан. Боболарининг исмлари Одам бўлганлиги учун бу кишига “Ал-Одамий” нисбати

берилган. Илм талабида Ирок ва Хижозда бўлганлар. Хабиб ибн Мугира аш-Шоший, Хомид ибн Довуд аш-Шоший, Убайдуллох ибн Восил ал-Бухорий, Абу Хотам Мухаммад ибн Идрис ар-Розий ва Мухаммад ибн Абдуллох ал-Мукридан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абул Фазл Мухаммад ибн Мухаммад аш-Шоший, Абу Жаъфар Мухаммад ибн Али ал-Фаззол ва Абу Бакр Мухаммад ибн Ахмад ал-Иштиханий хадис ривоят килганлар.

Ал-Усбоникатий — Усбоникат — Мовароуннахрдаги шаҳар бўлиб, Исфижоб яқинида жойлашган.

Абу Наср Ахмад ибн Зохир ал-Усбоникатий шу шаҳардан бўлиб, адиб, фозил, ишончли мухаддис, калблари яхши амаллар қилишга мойил эди. Факих Абу Мухаммад Абдуллох ибн Мухаммад ал-Калободий ал-Бухорий ас-Сибадмунийдан хадис ривоят килганлар. Ўзларидан эса Абу Саъд ал-Идрисий ал-Хофиз хадис ривоят килганлар ва айтадилар: “Ахмад ал-Усбоникатий Самарқандда яшар эдилар. Хижрий 360 (милодий 972) йилдан кейин Самарқандда вафот этганлар”.

Абу Али Хусайн ибн Мухаммад ал-Факих ал-Усбоникатий ҳам шу шаҳардан бўлиб, юкорида номлари зикр қилинган адибнинг жиянлари. Бу киши факих, фозил ва ҳисоб (математика) илмига мохир эдилар. Самарқанд олимларидан таълим олиб, факих бўлганлар. Кейинчалик ўз шаҳарлари Усбоникатга жўнаб кетганлар. Самарқандга келиб, тижорат билан ҳам шугулланар эдилар. Хижрий 370 (милодий 981) йилдан кейин Усбоникатда вафот этганлар.

Абул Хасан Саид ибн Хотам ал-Факих ал-Усбоникатий Самарқандда яшар эдилар. Шайх, фозил, такводор, пархезкор ва факих эдилар. Самарқандда узок муддат яшаганлар. Ўгиллари Хасан шу ерда тугилган. Самарқандда факих Абул Хасан ар-Рахбийдан таълим олганлар. Шайх Абдуллох ибн Мухаммад ас-Самарқандийдан хадис ривоят килганлар. Ўзларидан эса Абу Саъд Абдурахмон ал-Идрисий таълим олганлар. Хижрий 380 (милодий 991) йилдан олдин турк юртларига чиқиб кетиб, кейинчалик Усбоникатга қайтиб келганлар ва шу ерда вафот этганлар.

Зафар ибн Лайс ал-Усбоникатий Исфижоб шаҳридан. Факих ва мухаддис эдилар. Кози Мухаммад ибн Асламдан хадис ривоят килганлар. Хижрий 320 (милодий 933) йилдан кейин вафот этганлар.

Абу Бакр Мухаммад ибн Суфён ал-Усбоникатий ал-Факих Насафда анча муддат ҳоким бўлганлар. Пархезкор, такводор, покиза ва фозил ҳоким эдилар. Бу киши хақида Абу Саъд ал-Идрисий “Тарихи Насаф” китобларида зикр қилиб қуйидагича айтганлар: “У киши фикх илмини Абу Бакр Ахмад ибн Хасан ал-Форисийдан олганлар. Йирик факихлардан эдилар. Шош муфтиси факих Абул Хасан Али ибн Закариёдан эшитдим. У айтар эди: “Абу Бакр ал-Форисийнинг бирорта шогирди ундан фикх ва калом илмини Абу Бакр ал-Усбоникатийдек яхши ўрганган эмас. Агар кишилар девор орқасидан Абу Бакр ал-Усбоникатийнинг овозини эшитсалар, Абу Бакр ал-Форисий гапираяпти, деб ўйлар эдилар”. Хижрий 375 ёки 376 (милодий 986 ёки 987) йили Сугдда вафот этганлар.

Ал-Ийлокий — Ийлок (Охангарон водийси) — Шошдан ўн фарсах узокликдаги шаҳар. Бу ерга келганлар бундай сўлим ва тоза шаҳарни кўрмаганлар. Сув водийдан келган. Унинг тоғларида тилла ва қумуш бор. Бу ердан кўп олим ва имомлар етишиб чикканлар.

Уларнинг машхурларидан:

Абу Раби Тохир ибн Абдуллох ал-Ийлокий буюк фикхшунос эдилар. Марвда Абу Бакр Абдуллох ибн Ахмад ал-Марвазий, Нишопурда Абу Тохир Мухаммад ибн-Махмаш аз-Зиёдий ва Бухорода олим Абу Абдуллох Хусайн ибн Хасан ал-Халииймий кўлларида

фикх илмидан таълим олганлар. Шош ахли бу кишидан фикх илмидан таълим олган. Абу Наим Абдулмалик ибн Хасан ал-Азхарийдан хадис ривоят килганлар. Хижрий 465 (милодий 1073) йили 96 ёшда вафот этганлар.

Фикхшунос Абу Абдуллох Мухаммад ибн Довуд ал-Ийлокий — Ийлок ахлидан. Хуросонда Хасан ибн Масъуддан, Марвда Ар-Равздан, Нишопурда Мухаммад ибн Яхёдан фикх илмидан таълим олганлар. Чиройли сийратли бу киши кўп хайрли иш килувчи ва кишиларнинг хожатларини чиқаришга доимо мойил эдилар. Биз билан Марвга келиб, менинг мадрасамда бир неча муддат яшадилар. Мен у кишидан хадисдан дарс олгандим. Хижрий 539 (милодий 1145) йилда вафот этганлар ва Синждонда дафн қилинганлар. Яна шу кишлоклик Абу Салама Наср ибн Мухаммад аш-Шоший ас-Суфий ал-Ийлокий Шошда турардилар. Фозил, яхши хулкли, хожи, мухаддис эдилар. Кишилар бу зотдан хадис ёзиб олардилар. Имом ал-Бухорийнинг дўстлари Абдурахмон ибн Мухаммад ал-Бухорий ва Хайсам ибн Кулайб аш-Шошийдан хадис ривоят килганлар. Хижрий 370 (милодий 981) йилда вафот этганлар.

Ал-Борискатий — Борискат — Шош шаҳарларидан.

Абу Ахмад аш-Шоший ал-Борискатий шу шаҳардан. Абд ибн Хумайд ал-Кеший (ваф. 249/864)дан хадис ривоят килганлар. У кишидан Абул Фазл ибн Мухаммад аш-Шоший хадис ривоят килганлар.

Ал-Боробий — Бороб (ёки “Фороб” деб ҳам айтилади) — Сирдарё ортидаги ноҳия.

Абу Закариё Яхё ибн Ахмад ал-Адиб ал-Боробий — Бороб ахлидан. Бу киши нахв илми соҳиби, араб тили билимдони ва адиб эдилар. “Ал-Масодиру фи ал-луга”

(Тилшуносликдаги ўзаклар) китобининг тузувчиси. Абу Абдурахмон Абдуллох ибн Убайдуллох ал-Бухорийдан хадис ривоят килганлар. Ўзларидан эса Исфижобда Хасан ибн Мансур ал-Мукри хадис ривоят килганлар.

Ал-Бискатий — Бискат (хозирги Пискент) — Шошдаги таникли шаҳар. Бу шаҳардан бир гуруҳ уламолар етишиб чиққанлар.

Абу Иброҳим Исмоил ибн Ахмад ал-Бискатий аш-Шоший факих эдилар. Илм олиш максодида Марвга келиб, Абу Наср Ахмад ал-Анмотий ал-Марвазийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Туроб Исмоил ибн Тохир ан-Насафий таълим олганлар. Хижрий 400 (милодий 1010) йилдан кейин вафот этганлар.

Ал-Бинкатий — Бинкат (хозирги Бекобод) — Шош кишлокларидан.

Абу Саид Хайсам ибн Кулайб аш-Шоший ал-Бинкатий шу кишлокдан. Бу киши асли термизлик бўлиб, Бинкат кишлогига яшаб, шу ерда қолиб кетганлар. Шунинг учун шу нисбат берилган. У киши адабиётни Абу Мухаммад Абдуллох ибн Мухаммад ал-Қутабийдан ўрганган бўлиб, энг яхши шеърларни ёдлар эдилар. “Ал-Муснад ал-кабир” китобини жамлаганлар. Абу Исо Мухаммад ибн Исо ат-Термизий, Аббос ибн Мухаммад ад-Дуварий, Исо ибн Ахмад ал-Аскалоний каби Хуросон ва Ирок олимларидан дарс олганлар. Ўзларидан эса Абул Фазл Мансур ибн Наср ал-Когазий хадис ривоят килганлар. Хижрий 350 (милодий 962) йилда вафот этганлар.

Ат-Тункатий — Тункат — Шош шаҳарларидан. Сирдарё ортида жойлашган бу шаҳардан кўп илм ахли етишиб чиққан.

Абу Лайс Наср ибн Хасан ат-Тункатий шу кишлокдан. У кишини “Абул Фатх” деб ҳам айтганлар. Фарб мамлакатларида бўлганлар ва Андалус (Испания) шаҳрида бир неча муддат яшаганлар. Машхур тижоратчи ҳам эдилар. У киши ўша ерлик олимлардан дарс олардилар ва Муслим ибн Хажжожнинг “Саҳих ул-Муслим” китобидан дарс берардилар. Ўзларидан кўп олимлар дарс олганлар. Умрларининг охиригача Нишопурда яшаганлар.

Одамлар сув ичсинлар деб жоме масжидида кудук казганлар. Кўп хайрли ишларга бош-кош бўлганлар. Наср ибн Хасан аш-Шоший айтадилар: “Бир кун кемада денгизда сайр килдим. Денгизнинг киргогига етиб борганимда, тошдан ясалган, сувдан кўтарилган, аммо кўли эгри бир суратга дуч келдим. Унда: “Бу ердан ўтма! Чунки чумолилар сени ейди”, — деб ёзилган эди. У киши хижрий 406 (милодий 1016) йилда тугилиб, хижрий 486 (милодий 1094) йилнинг зулкаъда ойида Нишопурда вафот этганлар ва “Хайрат” кабрисонида дафн килинганлар.

Абу Жаъфар Халим ибн Умар ал-Бухорий ат-Тункатий Бухоро ахлидан бўлиб, Тункат кишлогида яшаганлар. Имом ал-Бухорийдан хадис ривоят килганлар. Хижрий 313 (милодий 926) йилда вафот этганлар.

Ал-Харашкатий — Харашкат — Шош шаҳарларидан. Бу шаҳардан кўп олимлар чиккан. Булардан Абу Саид Саъд ибн Абдурахмон ал-Харашкатий Юсуф ибн Яъқуб ал-Кози, Мухаммад ибн Абдуллох ал-Хазрабийдан хадис ривоят килганлар. Хижрий 340 (милодий 952) йилда вафот этганлар.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2009 йил 16-сонидан олинди.